

УЎТ: 631.41.3

**БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ ТЎҚ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР МИНТАҚАСИ  
ШАРОИТИДА ЎСИМЛИКАР ФИТОМАССАСИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА  
ТУПРОҚДА ОРГАНИК МОДДАНИНГ ТЎПЛАНИШИ**

**Тошқўзиев М.М.**

Тупрошунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Тошкент в.  
[maruf41@rambler.com](mailto:maruf41@rambler.com)

**Каримов Х.Х.**

Тупрошунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Тошкент в.

**Карабеков О.Г.**

Тупрошунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Тошкент в.

**Ўралова С.Р.**

Тупрошунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти, Тошкент в.

**АННОТАЦИЯ**

Иzlанишларда Чирчик-Ангрен ҳавзаси тоғ олди ва тоғ ости адирликларда тарқалган кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларининг гумус захираси, гумус ҳосил бўлишида табиий ва антропоген омилларининг таъсири ўрганилган. Бунда қўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар таркибидаги умумий гумус ва озиқа моддалар миқдори, уларни ҳосил бўлишида органик қолдиқ миқдорларига бевосита боғлиқлиги аниқланган. Ўрганилган тадқиқот худудларида жами 18 оила, 21 туркумга оид 28 турдаги ўсимликларни ташкил қилиб, шундан “Сойлиқ” массивининг лалми тупроқларида 15 оила, 22 тур, “Чимбойлиқ” массивининг суғориладиган тупроқларида 9 оила, 18 тур, “Оқтош” массивида 9 оила, 11 турдаги таксонлар қайдномаларга киритилди. Баҳор-ёз мавсумида турлар таркиби ва биомасса ҳиссаси бўйича Poaceae оиласи (9 тур) ўсимлик жамоаларида мутлақ устунликга эга, бунда антропоген турларининг улуши сезиларли юқори бўлган. Тадқиқот тупроқлари тарқалган геоморфологик районларининг тупроқларидағи органик моддалар тўпланиши

ушбу жойдаги ўсимликлар формациясига боғлиқ ҳолда гумус захираси ҳам (46,1 т/га, 48,6 т/га ва 66,7 т/га) турличалиги күзатилди.

**Калит сўзлар:** тўқ тусли бўз, лалми, сугориладиган, ўсимлик фитомассаси, ер усти биомасса, ер остки биомасса, гумус, органик модда.

## ACCUMULATION OF ORGANIC MATTER IN THE SOIL DEPENDING ON THE PHYTOMASS OF PLANTS IN THE CONDITIONS OF THE REGION OF DARK GRAY SOIL OF BOSTONLIQ DISTRICT

### ABSTRACT

In the researches, the humus reserve of the reserve, dry and irrigated dark gray soil distributed in the foothills and foothills of the Chirchik-Angren basin, the influence of natural and anthropogenic factors on the humus formation of humus were studied. It was determined that the amount of total humus and nutrients in the reserve, dry and irrigated dark gray soils is directly related to the amount of organic residues in their formation. A total of 18 families and 28 types of plants belonging to 21 genera were established in the studied research areas, of which 15 families, 22 species in the dry soil of the "Soyliq" massif, 9 families, 18 types of taxa were recorded in the "Chimboyliq" massif, 9 families, 11 species in the taxa were included in the records "Aqtash" massif. In the spring-summer season, in terms of species composition and biomass contribution, the Poaceae family (9 species) has absolute dominance in plant communities, where the share of anthropogenic species was significantly higher. It was observed that the accumulation of organic matter in the soil of the geomorphological regions where the research soil is distributed depends on the formation of plants in this place and the humus reserve (46.1 t/ha, 48.6 t/ha and 66.7 t/ha).

**Key words:** dark gray, dry matter, irrigated, plant phytomass, above-ground biomass, below-ground biomass, humus, organic matter.

### КИРИШ

Ўсимлик қоплами миңтақалар бўйича турли микдорда тарқалган бўлиб, бир неча гурухларга ёки фитоценозларга бўлинади. Ҳар бир ўсимлик гурухига мос маълум турдаги микроорганизмлар бўлади. Ўсимлик формацияси дараҳтлар, дашт ва чўл ўсимликлариiga бўлинади. Хали маданий ўсимликлар формацияси ажратилмаган.

Ўсимлик формациялари биомассаси, кимёвий таркиби, тупроқ массасига таъсири ҳам турличадир. Тупроқ органик миқдори гумус ҳосил бўлиши ва тўпланиши ўсимлик хазонининг турига ва таркибига боғлиқ. Ўсимлик таркиби N, C, O, H дан ташқари 70 дан ортиқ макро- ва микроэлементлар, қислоталар, ёғлар, смолалар, ошловчи моддалардан ташкил топгандир. Ўсимликнинг вегетатив органларида юқоридаги қайд қилинган моддалар турли даражада тарқалган. Ўсимликнинг ёғоч қисмида целлюлоза 60 % дан қўпроқдир.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Дараҳт баргидава ўтлар таркибида бу модданинг миқдори кам бўлади. Шунинг учун ўсимлик формациялари остида турли тоифадаги тупроқлар ҳосил бўлади. Масалан, ўрмон ўсимликлари формацияси остида подзол, дашт ўсимликлари тагида эса қора тупроқлар ҳосил бўлади. Бу тупроқлар кимёвий таркиби, хосса ва хусусиятлари билан бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Тупроқдаги органик моддалар тирик организмлар, микроорганизмлар, ўсимлик қолдиқларининг чиришидан ҳосил бўлган специфик моддалар ийғиндисидан иборатдир [3].

Тупроқдаги органик моддалар, ўсимлик ва ҳайвонот қолдиқларининг чиришидан ҳосил бўлади. Биринчи ўринда ўсимлик маҳсулотлари, илдизлар ва қолган қисмини эса тирик жониворлар қолдиқлари массаси ташкил этади. Ҳайвон ва микроорганизмлар қолдиқлари тупроқни оқсил ва унинг таркибидаги азот билан бойитади. Ўсимлик фитомассанинг миқдори тундра минтақасида 150 дан 2500 г/м<sup>2</sup>, ўсимлик илдизлари эса ундан 3-4 марта кўп. Микроорганизмлар биомассаси 10-15 г/м<sup>2</sup>, умуртқасиз ҳайвонлар қолдиги 1-3, ер усти умуртқали ҳайвонлар қолдиги эса 0,01 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қиласди [9].

Ўрмон-тайга минтақасининг қалин ўрмонларида фитомасса миқдори 25-40 минг г/м<sup>2</sup>, илдизлар эса ер усти фитомассасадан 3-4 марта камроқ бўлади.

Дашт минтақаларида эса ўт-ўсимликлар фитомассаси ўрмонларга нисбатан камроқ 1200 дан 25000 г/м<sup>2</sup>, илдизлар миқдори эса ер юзасидаги фитомассасадан 3-6 марта кўпроқ.

Сахро минтақаларида эса фитомасса кескин камайиб, ер юзи массаси билан ва илдизлар ўртасидаги нисбат 1:8 ва 1:9 доирасида ўзгаради. Тупроқнинг биологик активлиги анча паст бўлсада, нам етарли бўлган баҳор вақтларида кучаяди. Демак, турли минтақалардаги фитомассанинг миқдори тупроқ таркибидаги оқсил, углевод, липид ва ароматик моддалар миқдорини белгилайди [2].

Тупроқ таркибида гумуснинг ҳосил бўлиши тўғрисида бирқанча назарий ва амалий тушунчалар мавжуд. Рус олими М.В.Ломоносов “..... вақт ўтиши билан ҳайвон ва ўсимликлар қолдиги чириш натижасида гумус ҳосил бўлади” деб ёзиб кетган. И.Г.Валериус гумус ғовак, қорамтири рангда бўлиб, сернамланганда кўпинча булатсимон ҳолга, қуриганда чангсимон ҳолатга ўтади. Хулласи гумуснинг келиб чиқиши ўсимлик қолдиқларининг чиришидан, яъни парчаланишидан келиб чиқсан деб тушунтиради [4].

П.А.Костищевнинг фикрича, тупроқда чиринди пайдо бўлиши органик қолдиқларнинг чириб, парчаланиши ва янги органик моддалар синтезланishiдан иборат янона жараёндир. Ўсимлик қолдиқлари чириганда унинг таркибидаги органик моддалар парчаланади ва микроблар плазмаси ҳолида янги мураккаб органик модда синтезланади [1].

Тупроқ таркибидаги энг мураккаб органик бирикма бу-тупроқ гумусидир, унинг келиб чиқиши, шакилланиши узоқ муддатли мураккаб биокимёвий жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, тупроқ гумуси она жинсдан тубдан фарқланувчи, кимёвий жиҳатдан эса она жинсни таркибида умуман учрамайдиган бирикмаларни сакловчи маҳсулотdir. Гумус тупроқ унумдорлигини белгиловчи муҳим омилdir, у тупроқнинг энергетик ҳамда озиқа элементларининг манбаи бўлиб, ғоят муҳим генетик морфологик белгисидир. Тупроқнинг органик қисми ҳар хил ташқи омилларга таъсиранч, бунинг таъсирида уни миқдор ва сифати ўзгарувчандир [9].

Тупроқда гумус фақатгина ҳосил бўлмасдан, балки парчаланади ҳам. Гумуснинг парчаланиши, яъни минераллашиш жараёни тупроқ реакцияси, намлик даражаси, температура ва аэрация шароитига кўра, ҳар хил тезликда кечади. Нейтрал ва унга яқин реакцияли тупроқларда гумус моддасининг минералланиши анча тез боради. Температура ва намлик даражаси ўртача тупроқларда сер нам ёки қуруқ тупроқларга қараганда гумуснинг минералланиши ва карбонат ангидрид пайдо бўлиши жараёни тезроқ ўтади.

Гумус тупроқдаги энергия манбаи, чунки унда қуёшнинг нурли энергияси тупроқда кечаётган биокимёвий ҳамда оксидланиш қайтарилиш жараёнларидан ажралиб чиқаётган энергияни ўзида мужассамлаштириувчи иссиқлик манбайдир.

Шу билан биргалиқда гумус ўсимликлар озиқланиши учун зарур ва биологик аҳамиятга эга бўлган кўплаб озиқ элементлар, айниқса, азот ва карбонат ангидриднинг асосий манбайдир. Тупроқ таркибидаги кальций,

магний, калий, аммиак сингари элементлар органик қолдиқларнинг чириши ва гумификация маҳсулоти ҳисобланган гумуснинг минералланиши таъсирида янги шаклда, яъни ўсимликка осон сингадиган биримага айланади. Бундан ташқари гумус тупроқнинг физикавий-механикавий, кимёвий ва биокимёвий хоссаларинг яхшиланишига олиб келади ҳамда тупроқ унумдорлигини оширади. Тупроқда гумус қанча қўп бўлса, тупроқнинг сингдириш қобилияти қучайиб кислотали ва ишқориј реақцияга қарши буферлик хоссаси ортади [8].

Тупроқнинг унумдор қатлами ўсимликлар турига, иқлим шароитига ҳам боғлиқдир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир минтақа ўзига хос тупроғи, ўсимлик дунёси, маълум иқлим шароитларига эгадир. Баландликка кўтарилиган сари атмосфера ёғин микдори ҳам ортиб бориши натижасида ўсимлик қоплами турлари, тупроқни унумдор қопламини қалинлиги ортиб, тупроқ ҳосил қилувчи жараёнлар тезлашади [10].

**Тадқиқот обьекти ва услублари:** Изланишлар Тошкент воҳасида тарқалаган Бўстонлиқ тумани қўриқ тўқ тусли бўз тупроқ Оқтош қишлоғи, лалми тўқ тусли бўз тупроқлар Сойлиқ массиви, суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар Чимбойлиқ массивларида олиб борилди.

Тупроқда умумий гумус микдори И.В.Тюрин усулида, гумусни тупроқ профилида тақсимланиши кўрсаткичлари М.М.Тошқўзиев (2006) услубий кўрсатмаси асосида [7]. Гумус заҳираси Орлов Д.С., Гришина Л.А. (1981) усулида аниқланди [5].


Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг  $1\text{ m}^2$  майдонда ўсимликларни ер устки ер ости биомассаси микдори Н.А Панкова методикси бўйича 0-50 см қатламда  $25\times25$  ўлчамдаги монолитлар ёрдамида ўрганилди [6].

## ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Иzlанишларда Чирчик-Ангрен ҳавзаси тоғ олди ва тоғ ости адирликларда тарқалган қўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларининг гумус заҳираси, гумус ҳосил бўлишида табиий ва антропоген омилларнинг таъсири ўрганилди.

Типик бўз тупроқлар тарқалган жойларда эфемер-эфемероидли ўсимликларга ёзда вегетация қиласидаган ўсимликлар қўшилиб ўсади. Булар соябонсимонларнинг баъзи турлари (*Saligeria allioides*, *S. transcaspica*), фломислар (*Phlomis tapsoidea*, *Ph. burcharica*) жузиния (*Cousinia reanosa*), капалакгуллилар (*Proralea drupacla*) ва бошқалар.

Тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган 2021 йилнинг май-июн ойларида амалга оширилган дала тадқиқотлари давомида Бўстонлиқ туманидаги тажриба ҳудудларида жами 18 оила, 21 туркумга оид 28 турдаги ўсимликлар қайд қилинди (1-расм). Шундан “Сойлик” массивининг лалми тупроқларида 15 оиласа мансуб 22 тур, “Чимбойлиқ” массивининг суғориладиган тупроқларида 9 оиласа мансуб 18 тур, “Оқтош” массивида эса 9 оиласа мансуб 11 турдаги таксонлар қайдномаларга киритилди. Баҳор-ёз мавсумида турлар таркиби ва биомасса ҳиссаси бўйича Poaceae оиласи (9 тур) ўсимлик жамоаларида мутлақ устунликга эга, бунда антропоген турларнинг улуши сезиларли юқори. Қайд этилган таксонлар асосан бир ва кўп йиллик ҳаётий шаклларга эга бўлиб, текислик, қуи, ўрта ва юқори тоғ минтақаларига мансуб ўсимликлардир.



**Расм-1. Тадқиқот ҳудудидаги ўсимликлар формацияси.** Apiaceae—Соябонгулдошлар, Asteraceae—Қоқиётдошлар, Boraginaceae—Ғавзабондошлар, Brassicaceae—Карамдошлар, Chenopodiaceae—Шўрадошлар, Convolvulaceae—Печакдошлар, Fabaceae—Бурчоқдошлар, Hypericaceae—Далачайдошлар, Ixiolirionaceae—Чучмомадошлар, Lamiaceae—Ялпиздошлар, Liliaceae—Лоладошлар, Mazaceae—Сўргичгулдошлар, Papaveraceae—Кўкноридошлар, Plantaginaceae—Зубтурумдошлар, Poaceae—Буғдойдошлар, Ranunculaceae—Айиктовондошлар, Rubiaceae—Рўяндошлар ва Rutaceae—Тошибақаўтдошлар.

## Жадвал-1

### Тадқиқот худуди тупроқларининг геоботаник тавсифи

T/p	Кўрсатгичлар	Кўриқ тўқ тусли бўз тупроқлар. h-1026. 20-кесма (Жанубий экспозиция)	Лалми тўқ тусли бўз тупроқлар. h-953. 21-кесма (Жанубий экспозиция)	Суғориладига н тўқ тусли бўз тупроқлар. h-894. 22-кесма (Жанубий экспозиция)
1.	Ўсимликлар билан қопланиши, %	75-80	70-75	70-80
2.	Ўсимликни ўртacha баландлиги, см	50-75	50-70	50-80
3.	Ер устки фитомасса, ц/га	34,24	34,08	127,36
4.	Ер ости фитомасса, ц/га	306,72	113,76	394,8
5.	Ер устки/ Ер ости нисбати	8,9	3,34	3,1
6.	Умумий фитомасса заҳираси, ц/га	340,26	147,84	522,16
7.	Гумус заҳираси 30 см, т/га	46,1	48,6	66,7
8.	Гумус заҳираси 50 см, т/га	61,67	71,5	90,2
9.	Гумус заҳираси 100 см, т/га	91,6	110,1	136,1

Тадқиқ этилган Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани тупроқларининг ер усти ва ер ости биомассасининг кўрсатгичлари қўйидагича:

Оқтош МФЙ, Оқтош қишлоғи 20-кесма, баландлик-1026 м 28.03.2021 йил Кўриқ тўқ тусли бўз тупроқ Ер ости биомассаси: 0-50 см  $625 \text{ см}^2$  майдон ҳаво қуруқлигидаги ҳолатида: 0-50 см ер ости фитомассаси 191,5 г; ер усти фитомассаси 21,4 г ташкил этган.

Сойлик массиви 21-кесма баландлик-953 м. Лалми тўқ тусли бўз тупроқ 24.05.2021 да ер ости биомасса 71,1 г, ер усти биомасса эса 21,3 г ни ташкил этган.

Чимбойлиқ массиви 22-кесма баландлик-894 м. Суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларида ер ости биомасса 246,8 г, ер усти биомасса эса 79,6 г ни ташкил этган. Ер ости 0-50 см қатламда 246,8 г, ер усти 79,6 г га ташкил этган.

## Жадвал-2

### Үрганилган тупроқларда умумий гумус ва азот миқдори

Кесма №	Қатлам, см	Умумий,%		
		Гумус	Азот	C:N
Оқтош қишлоғи, қүрік түқ тусли бўз тупроқлар				
20- кесма	0-7	2,206	0,102	12,5
	7-19	1,084	0,065	9,7
	19-43	0,645	0,048	7,8
	43-72	0,509	0,043	6,9
	72-110	0,305	0,036	4,9
	110-157	0,250	0,026	5,6
	157-195	0,238	0,019	7,3
Сойлиқ массиви, лалми түқ тусли бўз тупроқлар				
21-кесма	0-29	1,390	0,085	9,5
	29-48	0,885	0,053	9,7
	48-64	0,576	0,043	7,8
	64-105	0,440	0,041	6,2
	105-147	0,204	0,026	4,6
Чимбойлик массиви, сугориладиган түқ тусли бўз тупроқлар				
22-кесма	0-31	1,710	0,095	10,4
	31-45	0,910	0,089	5,9
	45-67	0,742	0,08	5,4
	67-106	0,511	0,031	9,6
	106-184	0,372	0,019	11,4

Ушбу регионда лёссимон, аллювиал-проллювиал ётқизиқлардан ташкил топган, тоф ва тоф олди ҳудудида жойлашган “Оқтош” МФЙ ҳудудида тарқалган ўртача ва кучли ювилган, қўриқ түқ тусли бўз тупроқлар (кесма-20) умумий гумус миқдори чим ва чим остиқи қатламларида 2,206-1,084%, умумий азот миқдори 0,102-0,065 % бўлиб, ушбу моддалар бўйича юқори ва ўртачадан юқори кўрсатгичга тўғри келади. Тупроқнинг кейинги пастки қатламларида уларнинг миқдори сезиларли камайиб, мос равишда 0,645-0,509 % ва 0,043-0,036 % бўлиб, ўртача ва кам кўрсатгичга тўғри келади. Ундан кейинги қатламларда 0,305-0,250% ва 0,036-0,026% бўлиб, кам ва жуда камни ташкил қиласи. Она жинсда эса ўз навбатида умумий гумус миқдори 0,238%, умумий азот миқдори эса 0,019% ни ташкил қиласи ҳолда жуда кам кўрсатгич ҳисобланади (жадвал-2).

Тупроқни юқори чим ва чим остиқи қатламларида C:N нисбати 12,5-9,7 бўлиб, гумусни азот билан таъминланганлиги ўртача ва ўртачадан кам

кўрсатгичга тўғри келади. Кейинги қатламларида бу нисбат камайиб 7,8-6,9 бўлиб, гумусни азот билан таъминланганлиги ўрта кўрсатгичга тўғри келади. Тупроқнинг кейинги пастки қатламларида нисбат сезиларли камайиб, 5,6-6,5 ни ташкил қилиб, юқори, она жинсда нисбат эса 7,3 бўлиб, ўртacha ҳисобланади.

Ушбу регионда лёссимон, аллювиал-проллювиал ётқизиқлардан ташкил топган, тоғ ва тоғ олди ҳудудида жойлашган “Сойлик” МФЙ ҳудуди тарқалган ўртacha ва кучли ювилган, лалми тўқ тусли бўз тупроқлар (кесма-21) умумий гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида гумус 1,390-0,885% ва умумий азот миқдори 0,085-0,053% бўлиб, гумус бўйича ўртacha ва кам (1,0-1,5%) кўрсатгичга тўғри келади. Пастки қатламлари- то она жинсигача гумус ва азот миқдори секин – аста камайиб 0,576-0,440% ва 0,043-0,041% бўлиб, ушбу кўрсатгичлар бўйича кам кўрсатгичга тўғри келади. Она жинсида уларнинг миқдори кескин камайиб, 0,204% ва 0,026% ни ташкил этиб, жуда кам ҳисобланади.

Тупроқ ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида С:N нисбати 9,5-9,7 бўлиб, гумус таркибида азот ўртacha эканлигини кўрсатади. Ўрта қатламларда 7,8-5,2 бўлиб, ўртacha кўрсатгични ташкил этади. Она жинсида эса, уларнинг нисбати 4,6 ташкил қилиб, юқори кўрсатгичга тўғри келади.

Ушбу регионда лёссимон, аллювиал-проллювиал ётқизиқлардан ташкил топган, тоғ ва тоғ олди ҳудудида жойлашган “Чимбойлик” МФЙ ҳудуди тарқалган ўртacha ва кучли ювилган, сугориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар (кесма-22) умумий гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида 1,710-0,910% ва умумий азот миқдори 0,095-0,089% бўлиб, гумус бўйича ўртачадан юқори ва ўртacha кўрсатгичга тўғри келади. Пастки қатламлари- то она жинсигача гумус ва азот миқдори секин – аста камайиб 0,742-0,511% ва 0,080-0,031% бўлиб, ушбу кўрсатгичлар бўйича кам кўрсатгичга тўғри келади. Она жинсида уларнинг миқдори кескин камайиб, 0,372% ва 0,019% ни ташкил этиб, жуда кам ҳисобланади.

Ушбу тупроқ ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида С:N нисбати 10,4-5,9 бўлиб, гумус таркибида азот ўртачадан юқори ва юқори эканлигини кўрсатади. Ўрта қатламларда 5,4-9,6 бўлиб, юқори ва ўртacha кўрсатгични ташкил этади. Она жинсда эса уларнинг нисбати 11,4 ташкил қилиб, ўртacha кўрсатгичга тўғри келади.

## ХУЛОСА

Ўсимликларни ер устки ва ер ости қатламидаги биомассани ўрганиш натижаларига кўра, ушбу ўрганилган тупроқларнинг 0-30; 0-50 ва 0-100 см ли қатламларида гумус қўриқ тупроқлардан антропоген омил таъсирида бўлган лалми тўқ тусли тупроқлардан сугориладиган тўқ тусли тупроқлар томон ортиб боради. Ўсимликлардан қоладиган биомасса тупроқ гумусининг ҳосил бўлишида асосий манба бўлиб хизмат қиласди. Тупроқдаги биомассанинг юқори бўлиши гумус моддаси билан тупроқ доимий бойиб боришини таъминлаб тупроқларни хоссаларини яхшиланишига, натижада эрозиянинг олдини олишига сабаб бўлади. Шунингдек ўсимликлар яхши ривожланган тупроқ қопламида гумусли қатлам қалинлашади ва ушбу тупроқларни унумдорлигини ошишига сабаб бўлади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Баходиров М., А. Расулов “Тупроқшунослик” дарслик, Тошкент, “Ўқитувчи” 1975. –Б. 60-62.
2. Бобохўжаев И., Узоқов П. “Тупроқшунослик” дарслик Тошкент, “Мехнат” 1995. –Б. 84-86.
3. Зиямухаммедов И.А. Тупроқ органик моддаси ва унумдорлиги. Т.:, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси // Давлат илмий нашриёти, 2008.–214 б.
4. Костычев П.А. История плодородия почв. М.; Л: Изд. АН СССР, 1940. - 4.1 - 405 с.
5. Орлов Д.С., Гришина Л.А. Практикум по химии гумуса – Москва “МГУ”, 1981 С.272
6. Панкова Н.А. Определение гуминовых кислот, массы корней и растительных остатков в почве// Агрехимические методы исследования почв. – М.: Наука, 1965.-С.59-63.
7. Тошқўзиев М.М. Тупроқдаги умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддаларини унинг унумдорлиги кўрсатгичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар / Меъёрий хужжат, Тошкент, 2006. – 47 б.
8. Тошқўзиев М.М., Шадиева Н.И. / Система показателей гумусного состояния почв аридной зоны центральноазиатского региона и использование ее критериев в условиях горных и предгорных почв // “Плодородие почв и эффективное применение удобрений” материалы Международной научно-практической конференции. Минск, 2021 г. с.208-212

9. Шадиева Н.И. Тоғ ва тоғ ёнбағрлари эрозияланган лалми ва сугориладиган тупроқларнинг гумусли холати, хоссалари, унумдорлиги (Шимолий Туркистон ва Ғарбий Чотқол тоғ ва тоғ ёнбағри тупроқлари мисолида). Номзодлик диссертацияси / Тошкент, 2009. – 171 б.
10. Шалт М.С. Методика изучения морфологии и экологии подземной части отдельных растений и растительных сообществ // Полевая геоботаника.-М.; Л.: Наука, 1960.-Т.2.-С.369-447.

#### REFERENCES

1. Bakhodirov M., A. Rasulov "Soil Science" Textbook, Tashkent, "Teacher" 1975. -p. 60-62.
2. Bobokho'jaev I., Uzokov P. "Soil Science " Textbook. Tashkent, "Mehnat" 1995. -p. 84-86.
3. Ziyamukhammedov I.A. Soil organic matter and fertility. T.: National encyclopedia of Uzbekistan // State Scientific Publishing House, 2008.-214 p.
4. Kostychev P.A. History of soil fertility. M.; JL: Ed. USSR Academy of Sciences, 1940. - 4.1 - 405 p.
5. Orlov D.S., Grishina L.A. Workshop on the chemistry of humus - Moscow "MGU", 1981 p. 272
6. Pankova N.A. Determination of humic acids, mass of roots and plant residues in the soil // Agrochemical methods of soil research. – M.: Nauka, 1965.-p.59-63.
7. Tashkuziev M.M. Methodological instructions on the use of total humus and mobile humus substances in the soil as indicators of its productivity / Normative document, Tashkent, 2006. - 47 p.
8. Tashkuziev M.M., Shadieva N.I. The system of indicators of the humus status of soils in the arid zone of the Central Asian region and the use of its criteria in the conditions of mountainous and foothill soils // "Soil fertility and effective use of fertilizers" materials of the International Scientific and Practical Conference. Minsk, 2021 p.208-212
9. Shadieva N.I. Humic condition, properties, fertility of eroded dry and irrigated soils of mountain and mountain slopes (as an example of mountain and mountain slope soils of Northern Turkestan and Western Chotkal). Candidacy dissertation / Tashkent, 2009. - 171 p.
10. Shalt M.S. Methods for studying the morphology and ecology of the underground part of individual plants and plant communities // Field geobotany.-M.; L.: Science, 1960.-T.2.-p.369-447.